# XIII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Андижон вилояти 1 941 йилда ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирлиги ҳисобланади.

Андижон вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 4,30 минг кв. км. Чегара узунлиги 617,1 км.

Вилоятда 882 та МФЙ жойлашган ва уларнинг ҳудудида 3 153,4 минг аҳоли истиқомат қилади, аҳоли зичлиги 1 кв. км. га 733,3 кишига тўғри келади.

Андижон вилояти маъмурий ҳудудий таркиби бўйича 2 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 14 та туманга бўлинган.

Андижон ва Хонобод шаҳарлари вилоятга, Асака, Булоқбоши, Жалақудук, Пайтуғ, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод ва Шаҳрихон шаҳарлари туманга бўйсунади.

Маъмурий маркази - Андижон шаҳри бўлиб, аҳолиси 445,9 минг киши.

**Чегара ҳудуди**

Андижон вилояти Фарғона вилояти билан (101,2 км), Наманган вилояти билан (106,6 км), Қирғизистон Республикаси билан (409,3 км) чегарадош.

---

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3 153,4 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 25,7 минг кишига ёки 0,8 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 1 647,7 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 52,0 %), қишлоқ аҳолиси сони 1 505,7 минг кишини (48,0 %) ташкил этади.

---

**Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жами аҳолисига нисбатан улуши, %да**




**Эркаклар ва аёлларнинг жами аҳолисига нисбатан улуши, %да**



## Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот

*(2020 йил 1 июль ҳолатига)*

| | Доимий аҳоли сони, минг киши | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Жами (минг) | шу жумладан: | | шу жумладан: | |
| | | шаҳар | қишлоқ | эркаклар | аёллар |
| **Вилоят бўйича:** | **3 153,3** | **1 647,7** | **1 505,6** | **1 596,7** | **1 556,6** |
| *шаҳарлар:* | | | | | |
| Андижон | 445,9 | 445,9 | - | 224,4 | 221,5 |
| Хонобод | 42,8 | 35,9 | 6,9 | 21,4 | 21,4 |
| *туманлар:* | | | | | |
| Андижон | 264,1 | 202,7 | 61,4 | 132 | 132,1 |
| Асака | 328,6 | 99,8 | 228,8 | 166,1 | 162,5 |
| Балиқчи | 201 | 68 | 133 | 102,5 | 98,5 |
| Бўстон | 72,2 | 25,3 | 46,9 | 36,5 | 35,7 |
| Булоқбоши | 142,8 | 69,4 | 73,4 | 72,7 | 70,1 |
| Жалақудуқ | 186 | 77,9 | 108,1 | 94,8 | 91,2 |
| Избоскан | 238,4 | 76,4 | 162 | 121,2 | 117,2 |
| Улуғнор | 59,8 | 6,2 | 53,6 | 29,8 | 30,0 |
| Марҳамат | 173,3 | 136,7 | 36,6 | 88,3 | 85,0 |
| Олтинкўл | 178,2 | 93,9 | 84,3 | 90,1 | 88,1 |
| Пахтаобод | 193,3 | 71 | 122,3 | 98,2 | 95,1 |
| Хўжаобод | 110,4 | 46,3 | 64,1 | 56,4 | 54,0 |
| Шаҳрихон | 300,1 | 99,8 | 200,3 | 153,2 | 146,9 |
| Қўрғонтепа | 216,4 | 92,5 | 123,9 | 109,1 | 107,3 |

## Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
*(2020 йил 1 июль ҳолатига, минг киши дастлабки маълумот)*




## Шаҳар ва туманлар кесимида доимий аҳоли сони ва ўсиш суръати, % да

| | *2019 йил 1 июль ҳолатига (киши)* | *2020 йил 1 июль ҳолатига (киши)* | *Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **3 090 118** | **3 153 368** | **102,0** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Андижон | 436 992 | 445 894 | 102,0 |
| Хонобод | 42 042 | 42 782 | 101,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Андижон | 258 662 | 264 130 | 102,1 |
| Асака | 321 707 | 328 614 | 102,1 |
| Баликчи | 196 842 | 200 960 | 102,1 |
| Бўстон | 70 804 | 72 254 | 102,0 |
| Булоқбоши | 140 212 | 142 847 | 101,9 |
| Жалақудуқ | 183 014 | 186 013 | 101,6 |
| Избоскан | 233 418 | 238 418 | 102,1 |
| Улуғнор | 58 626 | 59 790 | 102,0 |
| Марҳамат | 170 143 | 173 320 | 101,9 |
| Олтинкўл | 174 280 | 178 229 | 102,3 |
| Пахтаобод | 189 276 | 193 249 | 102,1 |
| Хўжаобод | 108 069 | 110 384 | 102,1 |
| Шаҳрихон | 293 658 | 300 053 | 102,2 |
| Қўрғонтепа | 212 373 | 216 431 | 101,9 |

**Доимий аҳоли сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**
*(2020 йил 1 январь ҳолатига, киши)*

| | Жами аҳоли сони | шундан: | | | | Уй хўжаликлар (хонадон-лар) сони, бирлик | Оилалар сони, бирлик |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 0-2 ёш | 3-6 ёш | 7-16 ёш | 0-16 ёш | | |
| **Вилоят бўйича:** | **3 127 683** | **209 807** | **263 629** | **537 820** | **1 011 256** | **623 941** | **814 983** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | | |
| Андижон | 441 700 | 27 722 | 34 488 | 68 480 | 130 690 | 83 297 | 103 396 |
| Хонобод | 42 517 | 2 305 | 2 953 | 6 824 | 12 082 | 8 436 | 10 727 |
| *туманлар:* | | | | | | | |
| Андижон | 261 817 | 17 398 | 22 308 | 45 899 | 85 605 | 53 701 | 71 684 |
| Асака | 325 805 | 22 508 | 28 613 | 55 015 | 106 136 | 64 404 | 82 608 |
| Балиқчи | 199 318 | 13 468 | 16 896 | 35 199 | 65 563 | 37 521 | 54 692 |
| Бўстон | 71 667 | 4 842 | 6 079 | 12 272 | 23 193 | 14 973 | 18 072 |
| Булоқбоши | 141 942 | 9 216 | 11 528 | 23 942 | 44 686 | 26 840 | 36 731 |
| Жалақудуқ | 184 775 | 11 952 | 14 971 | 31 830 | 58 753 | 39 749 | 45 902 |
| Избоскан | 236 423 | 16 312 | 20 804 | 41 560 | 78 676 | 42 609 | 61 496 |
| Улуғнор | 59 319 | 3 837 | 4 838 | 10 448 | 19 123 | 12 458 | 15 766 |
| Марҳамат | 172 116 | 11 968 | 14 527 | 29 071 | 55 566 | 37 092 | 45 177 |
| Олтинкўл | 176 670 | 12 179 | 15 066 | 32 785 | 60 030 | 36 911 | 52 438 |
| Пахтаобод | 191 667 | 13 399 | 17 052 | 34 439 | 64 890 | 38 424 | 53 767 |
| Хўжаобод | 109 463 | 7 495 | 9 236 | 19 198 | 35 929 | 27 460 | 25 802 |
| Шаҳрихон | 297 669 | 21 640 | 26 913 | 53 511 | 102 064 | 55 616 | 80 932 |
| Қўрғонтепа | 214 815 | 13 566 | 17 357 | 37 347 | 68 270 | 44 450 | 55 793 |

2020 йил 1 январь ҳолатига аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича таҳлил қилганимизда 0-2 ёшдагилар сони 209807 кишини ёки вилоят жами аҳолисининг 6,7 фоизини, мос равишда 3-6 ёшдагилар сони 263 629 кишини 17,2 %, 7-16 ёшдагилар сони 537 820 кишини 17,2 % ни ташкил қилади.

## Вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати
*(январь–июнь ҳолатига)*

| | Киши | | | ҳар 1 000 кишига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 йил | 2020 йил | ўсиш, камайиш, +,- | 2019 йил | 2020 йил |
| Туғилганлар | 31 350 | 34 584 | 3 234 | 20,5 | 22,1 |
| Ўлганлар | 7 163 | 7 383 | -220 | 4,7 | 4,7 |
| Табиий ўсиш | 24 187 | 27 201 | 3 014 | 15,8 | 17,4 |
| Никоҳлар | 9 068 | 6 717 | -2 351 | 5,9 | 4,3 |
| Ажралишлар | 1 935 | 1 498 | 437 | 1,3 | 1,0 |

**Туғилиш.** 2020 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 34 584 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (31 350 киши) нисбатан 3 234 тага кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 22,1 промиллени ташкил қилди.

### Вилоят бўйича тирик туғилганлар сони ҳамда коэффициенти
*2020 йил январь-июнь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*

***Тирик туғилганлар сони***




***Туғилиш коэффиценти***
*(1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*



**Вилоят бўйича вафот этганлар сони ҳамда коэффициенти**

*2020 йил январь-июнь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*

**Ўлим.** 2020 йил январь-июнь ойларида ўлганлар сони 7 383 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (7 163 киши) нисбатан 68 кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил қилди. (2019 йил январ-июнда ҳам 4,7 промилле бўлган.)

***Вафот этганлар сони***




***Ўлим коэффиценти***

*(1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*



**Вафот этганларни касалланиши таркиби**. Касалликларнинг умумий сонидан: қон айланиш системаси касалликларидан 4 588 та (62,1 фоизи), ўсма касаликларидан 623 та (8,4 %), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 288 та (3,9 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 268 та (3,6 фоизи), бошқа касалликлардан 1 253 та (17,2 фоизи) бахтсиз ҳодисалардан 251 та (3,4 фоизи) ҳамда юқумли ва паразитлар касалликлардан 107 та (1,4 фоизи) вафот этган.

**Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши**

*(2020 йил 1 июль ҳолатига)*




**Болалар ўлими**. Мазкур даврда жами бир ёшгача 543 та болалар ўлими қайд этилган ва гўдаклар ўлими коэффициенти 13,5 промиллени (2019 йил январь–июнда 11,0 промилле бўлган) ташкил қилди.

Бир ёшга тўлмай ўлган 543 нафар болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 317 та (58,4 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 119 та, туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 36 та, бахтсиз ҳодисалардан 7 та ва қолган касалликлардан 52 та гўдаклар ўлими қайд этилди.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь–июнь ойларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар қайд этилган. Қайд этилган никоҳ кўрсаткичи 1 000 киши аҳолига нисбатан 4,3 промиллени (2019 йилнинг тегишли даврида 5,9 промилле) ва ажримлар 1,3 промиллени (2019 йилнинг тегишли даврида 1,0 промилле) ташкил этди.

## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
*(январь-июнь ойларида)*

*(бирлик)*

| | Тузилган никоҳлар | | Никоҳдан ажралишлар | |
|---|---|---|---|---|
| | 2019 йил | 2020 йил | 2019 йил | 2020 йил |
| **Вилоят бўйича:** | **9 068** | **6 717** | **1 935** | **1 498** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Андижон ш. | 1 356 | 901 | 315 | 232 |
| Хонобод ш. | 93 | 81 | 41 | 30 |
| *туманлар:* | | | | |
| Андижон | 702 | 478 | 164 | 145 |
| Асака | 851 | 688 | 225 | 167 |
| Балиқчи | 595 | 422 | 77 | 69 |
| Бўстон | 168 | 123 | 37 | 40 |
| Булоқбоши | 448 | 331 | 100 | 81 |
| Жалақудуқ | 559 | 398 | 92 | 99 |
| Избоскан | 800 | 589 | 163 | 103 |
| Улуғнор | 118 | 80 | 34 | 24 |
| Марҳамат | 533 | 489 | 130 | 81 |
| Олтинкўл | 424 | 347 | 103 | 68 |
| Пахтаобод | 660 | 532 | 124 | 90 |
| Хўжаобод | 353 | 231 | 69 | 61 |
| Шаҳрихон | 717 | 561 | 107 | 112 |
| Қўрғонтепа | 691 | 466 | 154 | 96 |

**Тузилган никоҳлар сони ва никоҳлар коэффициенти**

*2020 йил январь-июнь ҳолатига (ҳар 1 000 аҳолига нисбатан промилле)*






Никоҳ тузиш коэффициентининг ўсиши туманларда мавжуд эмас, Андижон шаҳрида (6,3 дан 4,1 промиллега) сезиларли камайиши кузатилди.

Ажрим коэффициентининг ҳам ўсиши бўлмаган, Қўрғонтепа туманида (1,5 дан 0,9 промиллега) сезиларли камайиши кузатилди.

**Вилоят бўйича никоҳдан ажралишлар сони,**

*(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)*




**Вилоят бўйича никоҳдан ажралишлар коэффициенти**

*2020 йил январь-июнь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)*



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1 901 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2 452 кишини ташкил қилди. Мос равишда миграция қолдиғи минус - 551 кишини ташкил этган, 2019 йилнинг мос даврида минус - 634 киши бўлган.

**Аҳолининг миграция кўрсаткичлари**

*(январь-июнь ойларида)*

*(киши)*

| | *Келганлар* | | *Кетганлар* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
| **Вилоят бўйича:** | **3 369** | **2 398** | **4 317** | **3 914** | **-948** | **-1 516** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Андижон | 770 | 618 | 1 054 | 672 | -284 | -54 |
| Хонобод | 133 | 82 | 63 | 101 | 70 | -19 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Андижон | 702 | 355 | 431 | 460 | 271 | -105 |
| Асака | 156 | 152 | 258 | 173 | -102 | -21 |
| Балиқчи | 145 | 208 | 221 | 361 | -76 | -153 |
| Бўстон | 65 | 65 | 104 | 78 | -39 | -13 |
| Булоқбоши | 53 | 87 | 143 | 152 | -90 | -65 |
| Жалақудуқ | 36 | 27 | 296 | 325 | -260 | -298 |
| Избоскан | 324 | 164 | 251 | 273 | 73 | -109 |
| Улуғнор | 53 | 68 | 82 | 82 | -29 | -14 |
| Марҳамат | 82 | 19 | 172 | 163 | -90 | -144 |
| Олтинкўл | 225 | 210 | 260 | 231 | -35 | -21 |
| Пахтаобод | 30 | 27 | 226 | 212 | -196 | -185 |
| Хўжаобод | 202 | 121 | 144 | 145 | 58 | -24 |
| Шаҳрихон | 155 | 80 | 303 | 313 | -148 | -233 |
| Қўрғонтепа | 238 | 115 | 309 | 173 | -71 | -58 |